

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ


ТОШКЕНТ ХАКИ КАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 168 (4374). | 27 август, 1971 йил, | Ж У М А | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV
С Ъ Е З Д И
Қ А Р О Р Л А Р И Н И
А М А Л Г А
О Ш И Р А М И З

СУВЧИ—ЎЎЗАНИ ЯШНАТУВЧИ



А. АВАЛЯН фотоси.

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

«Республика қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, 4 миллион 400 минг тонна пахта етиштириб, давлатга сотиш ва қамиди 2 миллион тонна пахтани машиналарда териш юзасидан олган социалистик меҳнурликлари»

рини бажариш учун фидокорона курашмоқдалар».
(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қароридан).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети Янгийўл район Чиноз қишлоқ Советининг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1971 йилда пахта ҳосилини ҳар томонлама уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил этиш ва давлатга топшириш ҳақидаги қарорини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиққан тadbirlарини қараб чиқди ва маъқуллади.

Областдаги барча қишлоқ Советлари-га Чиноз қишлоқ Советининг ушбу тadbirlарини муҳофама қилиб, йиғим-теримни пухта ҳозирлик билан кутиб олиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан, ўз тadbirlарини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

ЧИНОЗЛИКЛАР ШУНДАЙ ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

▲ 1971 йилда қишлоқ Советидаги «Қизил Октябрь» ва Карл Маркс номли хўжаликларда 1600 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 27,2 ўрнига 33 центнердан ҳосил йиғиб олинади. Давлатга 5300 тонна «оқ олтин» топширилади.

▲ Пахта топшириш плани 20 октябргача, мажбурият 7 ноябргача бажарилади.
▲ Хўжалик далаларида 48 та терим машинаси икки сменада ишлайди.
▲ «Пўлат этак»лардан бу йил 1000 тонна ўрнига 1200 тонна пахта тўкилади.

(Чиноз қишлоқ Совети тadbirlарини 3-бетда ўқийсиз).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА КАНОП ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 26 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қуилик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Ўрта Чирчиқ	6,0	49,7
Янгийўл	4,0	25,7
Бўстонлиқ	2,6	12,4
Оқўрғон	2,8	7,9
Юқори Чирчиқ	2,5	7,2
Область бўйича	2,9	10,6

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА СИЛОС ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 26 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қуилик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бўка	0,8	105,2
Оқўрғон	0,1	97,7
Юқори Чирчиқ	0,7	89,0
Бекобод	1,5	87,3
Пискент	2,0	83,9
Ўрта Чирчиқ	1,0	68,4
Янгийўл	0,7	64,8
Калинин	3,3	63,7
Оржоникидзе	2,3	53,0
Бўстонлиқ	1,4	33,5
Область бўйича:	1,1	75,6

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

Пахтани машина билан теришга пухта тайёрларлик қўраётган областимизнинг илгир хўжаликлариде гўзал дефолиация қилиш ишлари бошлаб борилади. Ўрта Чирчиқ районидаги Акмал Икромов номи, Оқўрғон районидаги «Озод»

колхозларида самолётлардан самарали фойдаланиб қўлаб майдонлар дефолиация қилинапти. Бекобод районидаги илгир «Ленинград», Бўка районидаги «Кўкорол» совхозларида ҳам гўза барини сунъий туширишга киришилди.



Абдусатор ҚУРБОНОВ, Сурхондарё области, Шеробод районидеги Ленин номи совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиги, Ленин комсомол мукофоти лауреати.

Тўққизинчи беш йилликнинг тўнғич йили вазибалари яқунладиган кунлар ҳам яқинлашмоқда. Бутун совет халқи жонажон партияимизнинг улуғ анжумани йили — КПСС XXIV съезди бўлиб ўтган йили яқунлашмоқда. Буюқ тарихий воқеалар арафасида турибди. Етмиш биринчи йилнинг олтин кузи ҳам келиб қолди. Ҳаммаимизнинг пешана теримиз, юрак қўримиз билан етиштирилган қўт-баракани, мўл-кўла ҳосилини эрта-индин йиғиб-териб олишга киришамиз. Терим мавсуми барча пахтакорлар, коммунист ва комсомоллар учун, ҳуусан оташқалб, ўторак механизаторлар учун қатта синовдир.

Бу йил ўтган йиллардаги сингари йиғим-теримнинг қўзилиб кетишига мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас, балки уни жуда қисқа муддатда ўтказиш зарур. Бунинг учун дастлабки кунларда қўзғат қўзи олиш қамчилаб, ҳар кун йиллик планнинг 5-6 проценти миқдориде ва ундан ҳам ошириб пахта тайёрлашни таъминлаб, белгиланган планларни 15—20 кунда, зиммага олинган мажбуриятни бир ой-қирқ кунда бажармоқ керак. Бунга эришмоқ учун терим агрегатларининг ҳаммасини ва мавсумга зарур бўлган бошқа воситаларни тахт қилиб шайлаиб турмоғимиз даркор. Бу ишда механизаторлар ҳал қилувчи ва асосий роль ўйнайди. Чунки, кузги шудгорлашдан тортиб,

ПЛАН—10 СЕНТЯБРГА! МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

Ҳосил йиғим-теримигача бўлган ишларнинг ҳаммасини бажаришда механизаторлар доим олдинги сафда бордилар. Шунинг учун ҳам трактор ёки терим машинасини бошқаришдаги кишини пахтачиликда ҳақиқий қарвонбоси деса бўлади.

КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган совхозимиз механизаторлари йиллик планда белгиланган миқдордаги пахтанин ҳаммасини ёки 10 минг тонна пахтани машиналарда териб беришга қарор қилдилар. Бунинг учун ҳамма терим агрегатлари тўла ремонт қилинди. Икки сменада ишлашга етadиган механизаторлар тайёрланди. 88 та «зангори кема»нинг ҳаммаси пайналлар бошига чиқариб қўйилди. 20 август кун республикада биринчи бўлиб пахтаси машинада терилadиган участкаларда дефолиацияни бошлаб юбордик. Дефолиация асосан уч даврга бўлиб, пахтанинги пишиб етилишига қараб ўтказилади ва 10 сентябрда тўғалланади. Дастлабки уч кунда Темур Ганиев бошлиқ еттинчи бўлимининг Шафрат Шукуров, Бакир Абдурахмонов, Омон Абдурахмонов, Омон Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадалардаги гўзалар тўла дефолиация қилинди. Графикка асосан машина терими ўтказилadиган 5000 гектар майдоннинг 1500 гектари дефолиация қилинади ва шундан кейин ёлпасига машина терими бошланади. Биз дастлабки кунларда қўзғат қўзи кучайтириб, сентябрнинг бошларидаёқ йиллик планнинг 5-6 процентига етказиб пахта тайёрлашга, совхозимизнинг 20 сентябргача планини бажаришни таъминлашга қатъий сўз бердик. «Қаторда норинг бўлса, юнинг ерда қолмас», деганлар. Биз билан сиз, механизатор дўстлар, ана ўша юнингни оғирини кўтарадиган норларданмиш! Бу йил республикамиз пахтакорлари ойна-Ватанга 4 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга, бунинг 2 миллион тоннасини пўлат этаклардан тўкишга қатъий сўз бердилар. Областимиз механизаторлари аса 200 минг тонна пахтани машинада теришга аҳд қилдилар. Бу ҳазилакам иш эмас, албатта. Аммо совет кишилари олдида, ҳақиқий дала гвардиячилари олдида ҳар қандай мушкуллар осон бўлмоқда. Бундан оғир вазибалар ҳам муваффақият билан ентиб ўтиломоқда.

Мен бошлиқ 4 механизатордан иборат бригада аъзолари бу йил биринчи бўлимининг қўриқ майдонларидан янги ер очиб 58 гектар ерга эрта баҳорда, чигит қаданган эдик. Бригадамиз аъзолари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб мисли қўрилмаган мўл ҳосил етиштирдилар. Биз мавжуд ҳосилини чамалаб қўриб давлатга пландаги 15,6 центнер ўрнига гекта-

ридан қамиди 40 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдик. Менинг ўзим мавсумда «Ўзбекистон» терим машинаси бункеридан 650 тонна пахта тўкишга сўз бердик. Ҳозир бригадамиздаги гўзаларнинг барти сифатли дефолиация қилинди. 27 август кун машина теримини бошлаймиз ва ҳар кун 8-10 процент пахта тайёрлашга эришиб, йиллик планини 10 сентябргача гўла бажаришни таъминлаймиз. Ҳосилининг ҳаммасини машиналарда териб оламиз.

Менга янги «Ўзбекистон» маркали терим агрегати беришди. Унинг ҳамма уюсларини қайта қўриқдан ва синовдан ўтказдим. Обкаткани ўтказганда терим аппаратини албатта тракторга таъбиқ ўтказиш лозим. Чунки мотор юкка мослашмоғи керак. Ана ўшандагина терим мавсумида мотор механик-ҳайдовчинин доғда қолдирмайди. Ўтган йилги терим мавсумида мен машинанинг бирон кун ҳам тўхтамай ишлашга эришдим. Шу туфайли «зангори кема» бункеридан 635 тонна пахта тўкишга муассар бўлдим.

Бизнинг бу йилги аҳдимизни эшитган қўшин «Истар» совхозининг комплекс механизациялашган дондор бригада бошлиги Янгийўл Рустамов кунга келиб бригадамиз аъзолари билан қўл олди. У биз билан мусобақалашмиш истагини билдириб, бригадасига қарашли 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтаришга, шахсан ўзи мавсумда 660 тонна «оқ олтин» бункердан тўкишга, йиллик пахта тайёрлаш планини 10 иш кунда бажаришга аҳду паймон қилди. Мусобақа шартлари ҳар иккала бригада аъзоларининг йилги ишда муҳофама этилиб қиёғи маъқулланган ва шу асосда қайноқ меҳнат жўш уришти. Ен қўшимиз — Охунбойев номи совхозининг дондор бригадаси бошлиги, машхур механизатор Алимурод Екубов бошлиқ бригада аъзолари ҳам бу ташаббусга қўшилди. Бундан ташқари Шеробод ва Гагарин районларидеги таъинли механизаторлар, механик-ҳайдовчиларнинг қарвонбослари бўлимиш Отамурод Худойназаров, Шоймардон Қудратов, Тоғай Абсаматов, Бекмурод Зайниев, Светлана Продад, Эшмирза Пардаев, Чинихол Худойберов сингари ўнлаб механизаторлар мавсумда терим агрегатлари билан 400-700 тонна пахта териш ташаббускорлари бўлиб ўртага чиқдилар. Биз республикадаги ҳамма ҳамкасбларимизни бу ватанпарварлик ҳаракатиға қўшилишга чакирамиз.

Мен ақинда Озарбайжонда бўлиб ўтган ёш механизаторларнинг Бутуниттифок сўлтади Турсуной Охунова билан биргаликда қатнашдим. Улар бизнинг ишмизга гўят қизиқиш

билан қаради. Озарбайжоннинг машхур механизатори, республика Олий Советининг депутаты, ўтган йили мавсумда 420 тонна пахтани машинада терган Шабан Ризаев билан беллашишга қарор қилдик. У бу йил «пўлат этак»дан 500 тонна пахта тўкишга сўз берди. Мен мавсумда машина теримини ўтказиш учун ўз бригадамдан ташқари совхозимизнинг биринчи бўлимдан 100 гектар, бошқа бўлимлардан 250 гектар, жами 400 гектар ер ажратиб олдим. Ана шу майдонларни бирма-бир қўздан кечириб чиндим. Совхоз маъмурияти бу майдонларни менга бериштиб қўйди. Мен ўзимга шахсий график тузиб чиндим. Шунга кўра 5 сентябрдан бошлаб бир ой давомида кунига 20 тоннадан туширмай 5 октябргача 400 тонна, 5 октябрдан 25 октябргача кунига 15 тоннадан туширмай қамиди 250 тонна, жами 650 тонна пахтани бункердан хирмонга тўкмаман.

Одамнинг умрини кўпича оқар суғта қиёс қилишди. Бу жуда тўғри: инсоннинг ёлғини пишиқриб гирдоблашиб, йўлидаги ҳамма товларини сиқириб-сидириб, мавжлашиб оқиб бораётган баҳор тошқинига ўхшади. Янги жамият кўришда, табиатни ўзгартиришда инсоннинг ҳуусан Ҳозирги замон қудратли техникасини ағаллаган ёш механизаторларнинг роли катта. Бобоналоларимиз «инсондан яхши от қолсин» деб беиз айтишмаган! «От изини той босар» деган ҳикматли нақл бор. Биз қаҳрамон ва дондор ота-боболаримиз, ана-уналаримиз, опа-сингилларимиз ўзини босмоғимиз, уларнинг шонли илмин давом эттирмоғимиз даркор. Коммунизм қуришда инсониятнинг азгу ораси бизнинг чекимизга тушганлиги катта бахтир. Бу улуг ишнинг амалга ошишини биз нечоғли жўшин меҳнат қилишимизга боғлиқ. Ҳозирги кунда йил—ўн икки ой пешона тери тўкиб етиштирилган «оқ олтин»имизни қисқа вақт ичиде йиғиб-териб олиш ва зиммага олинган юксак мажбуриятларни шараф билан бажаришдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ. Бу иш республикамизда яшаётган ҳамма меҳнаткашларнинг ҳам азгу мақсади, муҳим вазибаларидир.

Йиғим-терим мавсумини муваффақиятли ўтказишда биз механизаторлар доим олдинги сафда бўлишимиз, деҳқонларимизнинг мушкуллини осон, пахтакорларимизнинг оғирини енгил қилмоғимиз даркор.

Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган пахта етиштиришни қўлайтириш, Ватанимиз бойлигиға бойлик қўлиш ҳаминша муқаддас бурчимиз бўлиб қолсин!

(«Совет Ўзбекистони» газетаси, 1971 йил, 26 август соми).

СОАТЛА ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ


Бўстонлиқ районидеги Жданов номи колхоз сабзавоткорлари 2250 тонна ўрнига 2300 тонна сабзавот маҳсулотини сотиб, йиллик планини ошириб бажардилар. Колхоз сабзавоткорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб яна давлатга 1200 тонна сабзавот маҳсулотини сотишга қарор қилдилар. Сабзавотдан кўпроқ маҳсулот етиштиришда, айниқса, Анорқул - Айтқулов, Сарайбой Ибраев бошлиқ бригадаларга эришилди. Улар планини 137-152 процентга етказдилар. Шунингдек, колхозда қовунарвуз тайёрлаш плани ҳам 130 процент бажарилди.

А. РАҶИМБЕРДИЕВ.

Калинин районидеги «Москва» колхозининг меҳнаткашлари янги беш йиллик топшириқларини бажара бориб улғай зафар кучдилар. Давлатга сабзавот сотиш йиллик плани муддатидан илгари ошириб бажарилди. 1850 тонна ўрнига 1860 тонна маҳсулот сотилди. Хўжаликда нарам, помидор ва бошқа сабаваотлардан айниқса баракали хирмон кўтарилди. Сабзавоткорлар давлатга картошка сотиш планини 127 процент қилиб бажаришга эришдилар.

План бажарилди. Ленин дала далада ҳосил кўп. Колхозчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, плаванд ташқари яна минг тонна сабзавот топшириш учун курашмоқдалар.

Хўжаликда келгуси йил мўл ҳосилиға тайёрларлик кўриш ишлари ҳам бошланиб кетди. Экинлардан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда.



И. ГЛАУБЕРЗОН ва
ИРОТКИН фотолари.

TACC

Мамакатда бина оёғи—
курмақилин рўй берганлиг
муносабати билан Афғонистон
Ташқи ишлар вазири
Муҳаммад Музо Шариф баёнот
берди. У ўз баёнотида рўй
берган ҳафда гўлт катта хавф
туғдираётганлигини айтиди. Муҳ
аммад Музо Шариф ўз баёно
тида таъкидлаб ўтганидек,
мамлакатнинг бутун тарихида
мисли қўрилмаган ана шу кур
ғоҳчили натижасида бугунги
ҳосили кескин суратда майайиб
келди ва чорва молларининг
нобууд бўлиш хавфи туғилди.
Шуниинг натижасида аҳолинин
озиқ-овқат маҳсулотлари билан
таъминлашда катта қийинчи
ликлар вужудга келди.

TACC.

Чили президенти Сальвадор Альенде расмий дўстона визит билан Эквадор пойтахтига келди. Кинто аэропортда Сальвадор Альендени Эквадор давлатининг бошлиги Хосе Мариа Веласко Ибарра, министрлар ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

TACC.

Мустамлана мамлакатлар ва халқларга мустакиллиги бериш тўғрисидаги декларацияни амалга оширувчи махсус комитет (24 лар комитети) Жанубий Родезия масаласи юзасидан резолюция қабул қилди. Бу резолюцияда Зимбабве халқининг овозда мустакил бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги яна бир марта таъкидланади.


Буюк Британия ҳукумати Жанубий Родезиядаги қонунга хилоф ирчиқлар режимиини тутатиш учун ва умумий сийлов ҳуқуқи асосида ҳокимиятини Зимбабве халқига топшириш учун самарали чоралар қўришдан бош тортган эди. Махсус

комитет Буюк Британия ҳуку- матининг ана шу ҳаракатини қоралади.

Махсус комитет Жанубий Африка ва Португалия ҳуку- матларининг сийсатларини кесан қоралади. Бу мамлакатлар- нинг ҳукуматлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ре- золюцияларига хилоф суратда ва БМТ устави юзасидан ў- мажбуриятларга амал қилмай, Жанубий Родезиядаги қонун- ни эъл қўриш ирчиқлар режими билан сийсий, иқтисодий, ҳар- биий муносабатларни ва бошқа хилдаги муносабатларни давом эттирмоқда.

TACC.

ПАРИЖ. Умуммехнат кон-
федерациясининг бош секрета-
ри Жорж Сегі «Сюд-эст» газе-
тасида босилган суҳбатига мам-
лакада нарх-наво тўхтовсиз
ошиб бораётганлигини, меҳнат-
кашларнинг харид қуввати па-
сайганлигини, ишсизлик авж
олганлигини ва кўп солиқ со-
ланаётганлигини таъкидлади.



ЮПИ—ТАСС телефотоси.

С Ы Н Г Г И П О Ч Т А Д А Н

«КОММУНИЗМ УЧУН» район газетасининг 103-сони хатклар дўстлигига бағишланиб чиқди. Бу бежиз эмас: ҳозир Бўстонлик район хўжаликлари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида 47 миллат вакиллари бир оила фарзандидек қўли қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Район партия комитети халқлар ўртасидаги қардошларга дўстликни янада мустаҳкамлаш учун барча чораларини кўймоқда. 265 сиёсий ахборотчи, 800 сиёсий ташкилотчи, юзлаб штатсиз агитаторлар ўз суҳбатларида дўстлик туфайли қўлга киритилган улкан муваффақиятларини алоҳида бўғиттириб кўрсатмоқдалар.

нинг «Иътирофномада дўстлик
галабарлигини гаровчи» сарлав-
ҳали мақолада коллективнинг
қўлга киритаётган муваффақ-
иятлар атрофидаги ериги берил-
ган. Чорвоқ ГЭСи қурилиши
тобора тез суъётилар бўлини
ёзи бораётгани, деф ёзди у.
Бу ерда 38 миллатнинг ўқи-
қилари яшаб, бир ёқдан бош
қақнабди, меҳнат қилмоқдалар.
Чорвоқ ва Хужантент ГЭСларини
қурилишида Москва, Ленин-
град ва қўлимиллати мамлакат-
тинингнинг бошқа шаҳарларидан
келган мутахассислар кўп ҳис-
са бўлмоқдалар.

та онлар «хазиналари» деб сарвах-
та қўйган. Дарвоқе, бу бўлимда
ўқидан олтич миллиат вакиллари
бир ота-она фарзандидек нафа-
бўлиб ишламоқдалар. Улар гай-
рати билан кенг айдирда 390
гектарлик бог-роғлар бўлиб
этти-ди. Ичишлар ўртасидан
дўстлик ва ҳазқорлик ана шу
боғлар қайи тоғлар камол то-
моқда. «Қирчиқ ўрмон ҳўжажи-
қи» ижкисери Н. Каснонинов
«Қўлин қўлга бериб» сарвах-
ла мақоласида ҳам дўстлик
қудратини тарангум этгуви-
жоизабали воқеалар ҳўқоя қи-
лган.

нинг энг катта аюқларидан би-
ри экинчилар алоҳида татиқ-
ланди. Газета сўзга қарорлар-
ни амалга ошира бориб, халқ-
лар дўстлиги мавзусини ёпи-
тишда ёбратли ишлар қилма-
ди. Сўнгги ойларида ойна заво-
ди партия комитетининг секре-
тари Ч. Исроилоннинг «Дўст-
лик — қудратлиюз», Чорвоқ
ГЭСи инженири И. Портинов-
нинг «Хамжикатлик самараси»,
Ф. Нуралиновнинг «Ўртак ола-
сари»ни сарлаҳхали мақола-
лари ётлон қилинди. Бу мате-
риалларнинг Хаммасида халқ-
лар дўстлиги мавзун қизил ип-
бўлиб ўтди.

Газетанинг бу хайриди иши
мақтовга лойиқ. Редакция
коллективига бу ишини нати-
ла мунтазам давом эттиришга
тилақдоримиз.

Механика-йиғув цехи. Корхонада қўлдан чиқариладиган маҳсулотга шу ерда муҳр берилади. Бепоеъ мамлакатимизга, бир қатор чет эللارга юбориладиган заказлар шу цехданг сўғи операциядан ўтади.

Цех дарвозасидан кириши
газ билан қулни ҳаво босим
қулоқларини битиради, ял
белатган газ алағасида тоби
қалаётган деталлар қулни қ
маштиради. Ҳамма ға нин б
лан баяд. Ингув уластаси ма
тери Александр Яковлевич
Снегирев Болгарияга жўнати
учун тайёрланган турфони
духовкаларини қўздан кеңира
экан, бригадир Жавдек Гаф
форовга миннатдорчилик бил
дири.

— Баракалла, шундай хара
кат қилинглар. Заводимиз шу
рати, обрўсини сира тушир
манг!

Мастер шогирдлари ишида
мамнун бўлиб кўшни бригад

Ишларини хабар олгани нави кетди... Александр Яковлевич юзидла табассум бақиди. У жуфта да хурсанд эди...

Александр Яковлевич Снегирев. Бу ном фақат ҳеҳда эмас балки корхонада фахр билан тилга олинди.

Бу бекизм эмас. Чунки А. Снегирев корхона ветерани, ундаб шоғирлар устозидир. Олдинги шоғирликдан уштакта масхарага бугун йўлни босиб ўтган бу ишчи жамоат ишларида да ҳам бошчаларга ўрناк бўлиб келяпти. Цех партия бюроси аъзоси, завод ишчилар комитети раисининг ўринбосари уш-кой машини комиссиясининг раиси сифатида жамоат ишларини бажармоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети ташкилот

сифати кишиларга жуда кўп
яхшиликлар қилди.

— Мастер Снегирев била
ҳар қанча фахрлансан азинди,
— дейди коммунистик меҳнат
бригадаси бригадирини Ф. Мали
цев, — камчиликка мураси
талабчан, ёшларга меҳрибон
мураббий бўлган Александр
Яковлевичдан ҳар қанча ўрна
олса азинди.

А. Снегирев бошлиқ йигу
ртақчаки ўзаро муносабада ку
нича голиб келиб ойлик, квар
тал планларини муттасил ош
риб адо этмоқда. Қўлдан чиқа
рилатган маҳсулот сифати да
миша юқори бўлмоқда. Бу
ўзастада меҳнат қилаётган
ҳар бир ишчининг ишти заво
маҳсулоти марказига доғ ту
шirmаслиқдир. Бу фазилатини
улар мастер Александр Яков
левич Снегиревдан ўрганишга
Ш. АКБАРОВ.

Чаринг,
зафар

«Узбекистон»

ПАХТА ТЕРИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

К П С С
X X I V
С Ъ Е З Д И
Қ А Р О Р Л А Р И Н И
А М А Л Г А
Ў Ш И Р А М И Z

КПСС XXIV съезди тарихий қарорларидан руҳланган областимиз пахтакорлари далаларда мўл-кўл «оқ олтин» етиштириб, янги беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 400 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни тўла адо этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Шу кунларда областимизнинг барча илғор колхоз ва совхозларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахта йигим-теримини муваффақиятли ўтказиш юзасидан чиқарган қарорини тўла маъқуллаб йигим-теримни ҳар жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш учун шай бўлиб турибди.

Областимизнинг 400 минг тонналик улкан хирмонига ўзининг 5300 тонна «оқ олтин» билан ҳисса қўшиш мақсадида эрта баҳордан пешона танғиб меҳнат қилган, ҳозирги кунда мўл-кўл ҳосил етиштирган ЯНГИЙҮЛ РАЙОН ЧИНОЗ қишлоқ Советидаги «ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» ва «КАРЛ МАРКС» номли

ҳўжалик аъзолари йигим-теримни уюшқоқлик билан кутиб олишга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Улар бу йил ўз имкониятларини аниқлаб, пахта ҳосилдорлигини пландаги 27,2 центнер ўрнига 33 центнерга оширишга, ҳосилнинг 85 процентини биринчи сортга топширишга қарор қилдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари Чиноз қишлоқ Совети ижроия комитетининг навбатдаги сессиясида пахта-йигим-теримига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда қишлоқ Советининг қишлоқ ҳўжалиги ишлари бўйича доимий комиссиясининг раиси депутат ўртоқ Х. Вергасов доклад қилди.

Сессия қишлоқ Советининг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг пахта йигим-теримини қисқа муддатда муваффақиятли ўтказиш юзасидан чиқарган қарорини бажаришга қаратилаган тадбирларини бир овоздан маъқуллади.

ЯНГИЙҮЛ РАЙОН ЧИНОЗ ҚИШЛОҚ СОВЕТИНИНГ ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёргарлик пунктларини пахта йигим-терими ҳақида уни тайёргарлик ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини қишлоқ Совети территориясидаги Янгийул Октябрь ва Карл Маркс номли колхоз аъзолари мамнунийлик билан кутиб олдилар.

Қишлоқнинг меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш борасида социалистик мусобақани янада кенг қўлиб ейтириб, тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки тўғрчи йили планларини муддатдан илгари бажариш йўлида астойдил гайрат қилмоқдалар. Улар бу йил она-Батан ҳазинасига 5300 тонна пахта етказиб бериш, ҳосилдорлигини пландаги 27,2 центнер ўрнига 33 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг қудалик ёрдамига таялиб пахтакорлар мажбуриятга яраша мўл-кўл ҳосил етиштиришда, Ўзларимиз кийнос ҳосил тўплайтиш. Ҳар туп ўсимликда 7—8 тагача бўлиқ қўсак, қўлаб шоша ва гул бор. Август — ҳосил тайдириш ҳақиқатини ой. Шундай экан, гўша парваришини сусайтирмаган деҳқон ва механизатор мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратди. Қишлоқ Совети август ойида гўша парваришини янада кенг дивом эттириш билан бир қаторда пахта йигим-терим мавсумига пухта ҳозирлик қилиш устидан ғамхўрлик қилмоқда. Колхозчилар ўз имкониятларини қайтадан кўриб чиқиб, пахта тайёргарлик йиллик планини 20 октябргача, мажбуриятни эса 7 ноябргача бажаришга қарор қилдилар.

Республика партия ва ҳукуматининг қарорида пахтадан катта хирмон кўтариш учун барча универсаллар ва бошқа техника воситаларини бетиним ишлатиш, сон билан сифатини бир-бирига уйғунлаштириб бориш зарурлиги ўқитилган. Пахтакорлар ана шунини ҳисобга олиб, ҳосил йигим-терим ва уни ташишни комплекс механизациялашга алоҳида эътибор бердилар. Бунинг учун пахта терим машиналари ва бошқа техника воситаларини ўз вақтида сифатли ремонт қилиб қўйдилар.

Қишлоқ Советидаги ҳўжаликлар майдонларида бу йил янги «Тошкент-2» ва «Тошкент-3» нави уруғлик пахта етиштирилади. Шу сабабли ҳосилнинг биринчи, иккинчи терими кўл

куч билан бажарилади. Қолган ҳосил эса машиналарда териб олинади. Ҳўжаликдаги мавжуд 48 та терим машинасининг икки сменда ишлаши таъминланади ва механизаторларга қўлай шароит яратиб берилади.

Ҳўжалик аъзолари пахтанинг сифатига катта аҳамият бериш билан ҳосилнинг намида 85 процентини биринчи сортга топширадилар.

Пешона тери билан етиштирилган шу дурдонамизни ўз вақтида йигиб-териб олишни намунали ташкил этиш, терим даврида колхозчиларга маданий-маиший савдо, медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун доимий комиссия ва депутатларнинг фаолиятини активлаштириш мақсадида Меҳнаткашлар депутатлари Чиноз қишлоқ совети қўйидаги тадбирларни белгилади:

Қишлоқ Советининг ҳар бир депутати пахта йигим-теримида бевосита иштирок этиб, мажбуриятни шараф билан адо этиш учун курашда олдинги сафда бўлишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳис этиди.

Биз ҳўжаликларда пахта йигим-теримига тайёргарлик қилишнинг қишлоқ ҳўжалиги доимий комиссиялари, колхоз правлениелари ва активлари билан ҳамкорликда 1 сентябргача текшириб чиқилиш. Бунда пахта терим техникаси, транспорт воситалари, тош-тарози ҳўжаликлари, сарой ва бостирмалар, асфалт ёқилган майдончалар, машина турадиган ва қайиладиган йўللар, этакларнинг микдори пухта кўриб чиқилиди, аниқланган камчиликлар тезда тугатилади.

Қишлоқ ҳўжалиги бўйича доимий комиссия пахта терим машиналарининг умумий ишлашини таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини доимо кўз-қўлоқ бўлиб кузатиб боради, теримчи ва механик-ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг қўлабда авж олдириб, илғорлар таърибасини оммалаштиришга кўмаклашади. Қишлоқ Совети ижроия комитети 1 сентябрдан бошлаб ҳар ўн кунда колхоз правлениелари билан биргаликда социалистик мусобақатга янқун ясаб боради.

План-бюджет комиссияси колхоз правлениелари ва халқ контроли группалари билан бир-



Суратда: (чапдан) қишлоқ Советининг раиси Т. Қудратова, қишлоқ ҳўжалик бўйича доимий комиссия аъзоси Х. Набиев ва қишлоқ ҳўжалиги бўйича доимий комиссия раиси Х. Вергасов ўртоқлар терим машиналарини кўздан кечириб, ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

галикда меҳнатга ҳақ тўлаш, пахтакорларнинг моддий рағбатлантириш қандай амалга ошириладиганлиги назорат қилинади. Механик-ҳайдовчиларга пахтани қабул қилиб олиш ва унга ҳақ тўлаш тадбирлари тўшунтирилади.

Социалистик қўнғичлик ва жамоат тартибини сақлаш бўйича доимий комиссия

аъзолари ижроия комитет билан бирга ҳўжаликларда колхоз демократик принциплари, техника хавфсизлигини ва ёнингга қарий хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини назорат қилиб борадилар. Қишлоқ ҳўжалиги техникасидан фойдаланиш, уни сақлаш борасида-

ги аҳволини кузатадилар, ҳосил пайҳон қилинишига қарий курашиб, аҳоли ўртасида қарақатдаги қўнғичликни тўшунтириб борадилар.

Қурилиш ва ободонлаштириш доимий комиссияси, 1 сентябргача қадар кўприклар, хирмонлар ва тайёрлов пунктларига олиб борадиган йўлларнинг тартибга келтирилганлигини кўридан ўтказадилар. Текшириш якуналари қишлоқ Совети ижроия комитетидан кўриб чиқилади ва аниқланган камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш тадбирлари қўйилади.

Халқ маорифи ва маданий оқартув доимий комиссияси кинофикация раҳбарлари билан

ҳамкорликда мактаблар, маданият уйлари, клублар, дала шийпонларини намунали қишлоқлаш, радиолаштириш ишларининг бажарилишини таъминлайдилар. Шийпонларга янги газета ва журналлар келтириб турилади, лекция ва суҳбатлар уюштирилади, бадний хавсдорлик тўғрисида аъзолари иштирокида концертлар уюштириб туриш топширилади. Ҳўжалик бригадалари бўйича кинофильмлар намойиш қилиб туриш графиги тузиб чиқилди ва ижроия комитет томонидан тасдиқланди. Йигим-терим давомида ҳар бир бригадани район кинофикациясининг иккита кўчма установаси билан ойда икки марта кино кўрсатилади.

Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот доимий комиссиялари йигим-терим даврида медицина пункти ходимлари билан биргаликда

пахтакорларга медицина хизмати кўрсатишни ҳар томонлама яхши йўлга қўйдилар. Дала меҳнаткашлари ўртасида медицина темасида лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Ҳар бир дала шийпонда алтечкалар бўлиши таъминланади. Мавжуд 16 та далачилик бригадасининг ҳаммасида мавсумий болалар богчаси ва яси-лиш ташкил этилади.

Савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссия зиммасига пахтакорлар учун тушлик иссиқ овқат ташкил этиш, дала шийпонларида кўчма саргароҳхона, кийим-кечан ва пофазаларни ремонт қилишдан устакчалар ташкил этиш вазифаси топширилади.

Чиноз пахта заводида ҳосилнинг узлуқсиз қабул қилиб олинишини таъминлаш мақсадида депутат постлари ташкил этилди. Улар завод-ийроия комитет ҳамда ҳўжалик правлениеларига хабардор қилиб туришди.

1971 йил КПССнинг тарихий XXIV съезди йилдир. Биз бу йил зиммаимиздаги 5300 тонна пахтадан давлатга топшириб, съезд қарорларига шундай ютуқ билан амалий жавоб берамиз.

БУ ТАДБИРЛАР ЧИНОЗ ҚИШЛОҚ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ ВА БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАНДИ.

СУЗ ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИГА:

ЧИНОЗ ҚИШЛОҚ СОВЕТИ
ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ДОИ-
МИЙ КОМИССИЯСИНИНГ
РАИСИ ДЕПУТАТ Х.
ВЕРГАСОВ:

Коммунистик партиямиз тарихий XXIV съезди қарорларидан руҳланган деҳқонларимиз тўққизинчи беш йилликнинг тўғрчи йили мажбуриятларини шараф билан адо этиш йўлида астойдил меҳнат қилиб, далаларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Ҳўжалик меҳнаткашлари олдинда турган ҳозирги кундаги муҳим вазифаларидан бири Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг пахта йигим-теримини намунали ўтказиш тўғрисидаги қарорини амалга ошириб, йил бўйи тер тўқиб етиштирилган «оқ ол-

тин»ни нес-нобуд қилмай йи-
штириб олишдан иборат.

Ҳўжаликларимизда бу йил «Тошкент-2», «Тошкент-3» нави уруғ биринчи марта экилд. Ҳосилни юқори сифат билан териб олиш ва давлатга топшириш биздан катта ҳуқуқ ва масъулият талаб қилади. Ҳўжалигимиз аъзолари ана шу масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пахта сотиш планини 20 октябрга, мажбуриятни эса 7 ноябргача бажаришга қатъий қарор қилдилар.

Йигим-терим даврида пахтанинг сифатига алоҳида эътибор берилади. Чунки, сифатли пахта ҳўжалигимиз учун ҳам, деҳқонларимиз учун ҳам катта даромад келтирилади.

Ҳўш, қишлоқ Советидаги «Қишлоқ Октябрь» ва Карл Маркс колхозларида йигим-те-

римга қандай тайёргарлик қўйилди? Шуниси қўнғичлик, айни ҳосилга-ҳосил қўшадиган август ойида гўша парваришига алоҳида эътибор беришмоқда. Гўша парвариши эса йигим-теримга тайёргарлик билан ўзини боғлиқ ҳолда олиб боришмоқда. Ҳосилни манангга етказиш, курак герадиган, мувийдиган ҳамда тўқилган пахтани териб оладиган техника воситаларидан умумий фойдаланиш учун барча чоралар кўриб қўйилди. Бу йил пахта далаларида 48 та терим машинаси, жавлон уради. Уларнинг икки сменда баракали ва умумий ишлаши учун ҳамма шароит яратиб берилади.

Ишонимизки, ҳар иккала ҳўжаликнинг миришкор аҳлига ваъфдор азамат пахтакорлари районимизнинг 72 минг тонналик улкан хирмонига 5300 тонна «оқ олтин» билан ҳисса

қўшиш юзасидан олган мажбу-
риятини сўзсиз бажарадилар.

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ»
КОЛХОЗИНИНГ РАИСИ
ДЕПУТАТ Ж. ОЧИЛОВ:

Ҳўжалигимиз аъзолари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахта йигим-теримини муваффақиятли ўтказиш юзасидан чиқарган қарорини тўла қувватлаб, йигим-теримини намунали ўтказиш юзасидан тадбирларини ишлаб чиқди.

Биз пахта етиштириш ва давлатга сотиш планини 20 октябргача бажаришга аҳд қилдик. Бу йилги мўлжалимиз — ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил кўтариб, она-Батанга 2600 тонна пахта топшириш. Ана шу ҳосилнинг 25 процентини уруғлик учун қўлда териб олинади. Қолган 75 процентини машиналар бункеридан тўқилади.

Кўриб турибсизки, зиммаимизда шарафли вазифа турибди. Биз етиштирилган ҳосилни қисқа муддат ичида йигиб-териб олиш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриб қўйдик. Этан, қанор, тош-тарози, принципал тахт қилинди. Ҳўжалигимиздаги мавжуд 26 та терим машинаси кўли гул механизаторларимиз ҳиммати билан теримга шай қилиб қўйилди.

ҚИШЛОҚ СОВЕТИ САВДО
ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ
ДОИМИЙ КОМИССИЯСИ-
НИНГ РАИСИ ДЕПУТАТ
Э. СОВВОЛДИЕВ:

Комиссиянинг етти аъзоси ҳўжалик участка ва бригадаларига бириктириб қўйилган. Улар ўз участкаларида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг намунали ташкил этилиши устидан доимий назорат

ўрнатадилар. Дала меҳнаткашларига намунали ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлайдилар.

Айниқса, «Қишлоқ Октябрь» колхозининг Охунбобоев номли участкасида Моҳи Шоақарова, Тошқўлат Камолов, Абдурамон Ақромов, Уғилло Оллоназарова ўртоқлар ўз савдо хизматини янча яхши ташкил этишган. Йигим-терим даврида биз хирмонларда, дала шийпонларда савдо хизмати кўрсатиш учун кўчма дореклар ташкил этамиз. Бундан ташқари, савдо маданиятини ошириш ва далада ишлаётганлар эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Йигим-терим даврида иссиқ овқат ташкил этиш йўлга қўйилди. Бунинг учун райпо корхонали маҳсулотлар билан таъминлаб туради.

КАРЛ МАРКС НОМИ
КОЛХОЗИНИНГ ИНЖЕНЕРИ
ДЕПУТАТ У. КОЛМАТОВ:

Колхозимизнинг аҳлига вафодор механизаторлар КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини ҳаётга таъбиқ эта бориб, далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Бутунини кунда улар пешона тери билан етиштирилган ана шу ҳосилнинг бир граммининг ҳам нобуд қилмай йигиб териб олиш, зиммага олинган мажбуриятнинг шараф билан адо этиш учун ўз «пўлат от»ларини шай қилиб туришди. Ҳўжалигимиздаги мавжуд 21 та пахта терим машинасида 20 таси, шунингдек, 10 та қўрак терим, 20 та принцип-теримга тайёр қилиб қўйилди.

Ҳўжалигимиз механизаторлари бу йил 1000 тонна ўрнига 1200 тонна пахтани «зангори кема» бункерларидан тўқнишга сўз беришган.



„Зангори кемалар“ тайёр!

Сиз ушбу суратда Карл Маркс номли колхознинг илғор механизатори Ойди Нагаевни кўриб турибсиз. Пахтазор чапан-дози Ойди Нагаев бу йилги мавсумда ўз машинаси билан 60 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилган. Ўнгдеги суратда эса «Қишлоқ Октябрь» колхозининг йигим-теримга шай қилиб қўйилган «зангори кема»лар колоннасини кўриб турибсиз.

А. АБАЛИН фотолари.



